

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
№6- СОНЛИ КЕНГАШ БАЁННОМА ҚАРОРИ

Тошкент ш.

30 январь 2019 йил

Раис – профессор Ж.А.Ризаев

Котиб –доцент А.А.Юлдашев

Институт Кенгаш раиси, профессор Ж.А.Ризаев куйидаги кун тартиби асосида кенгаш мажлисини очди:

Кун тартиби:

1. Тиббий педагогика факультетида ўқув услубий ишлар ҳолати ҳамда уни такомиллаштириш чора-тадбирлари

Маърузачи: Тиббий педагогика факультети декани проф. Жўраев А.Ж.

2.Тиббий биологик ва фундаментал фанларни ўзлаштиришда ўқув лабораторияларининг ўрни, самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар

Ахборотчи: Секция раиси доц. Алявия О.Т.

3.ТДСИда илмий ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш ҳолати, мавжуд муаммолар. Илмий маққолалар ва илмий ишларнинг халқаро талабларга мослиги

Маърузачи: Илмий ва инновация ишлари бўйича проректор проф. Амануллаев Р.А.

4.ТДСИда ўтказилган 5-чи ўқув-услубий анжуман яқунлари ва анжуман резолюциясининг муҳокамаси

Ахборотчи: Ўқув ва тарбиявий ишлар бўйича проректор Хайдаров А.М.

5.Ўқув-услубий ишларни тасдиқлаш.

6.Турли масалалар

Кўриб чиқилган кун тартибидаги биринчи масала: Тиббий педагогика факультетида ўқув услубий ишлар ҳолати ҳамда уни такомиллаштириш чора-тадбирлари **Маърузачи:** Тиббий педагогика факультети декани проф. Жўраев А.Ж.

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. Факультет кафедраларида муаммоли маърузаларни ўқишга эътибор қаратилсин.

Масъул – Барча кафедра мудирлари

Муддат – доимо

2. Маърузаларни ўқишга ва мастер-классларни ўтказишга янада кўпроқ хорижий олий таълим муассасаларидан профессор-ўқитувчилар таклиф этилсин.

Масъул – Барча кафедра мудирлари

Муддат – Йил давомида

3. Кафедра профессор-ўқитувчиларни хорижий олий таълим муассасаларига стажировкага юборилишига, у ерда олган билимларини кафедралардаги ўқув жараёнига тадбиқ этилишига эътибор кучайтирилсин.

Масъул – Барча кафедра мудирлари

Муддат – Доимо

4. Эскирган адабиётларни ўрнига янги дарсликларни, ўқув-услубий қўлланмаларни чоп этиш борасидаги ишлар янада жадаллаштирилсин.

Масъул – Барча кафедра мудирлари

Муддат – 2 семестр давомида

Қарор овозга қўйилди ва бир овоздан қабул қилинди.

Кўриб чиқилган кун тартибидаги иккинчи масала: Тиббий биологик ва фундаментал фанларни ўзлаштиришда ўқув лабораторияларининг ўрни, самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар. **Ахборотчи:** Секция раиси доц. Алявия О.Т.

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. Лабораторияларни зарур лаборатор жихозлар билан тўлик жихозлашни давом эттирилсин.

Масъул – Ишлар бошқармаси, бош бухгалтерь

Муддат – ўқув йилидавомида

2. Микробиология лабораториясини микроскопларини янгилаш, ва зарур анжомлар билан таъминлаш амалга оширилсин (талабнома асосида).

Масъул – Ишлар бошқармаси, бош бухгалтерь

Муддат – Тўрт ой муддатда

3. Физиология лабораториясига қўшимча микроскоплар олинсин (талабнома асосида).

Масъул – Ишлар бошқармаси, бош бухгалтерь

Муддат – Тўрт ой муддатда

4. Кимё ва биологик кимё, кафедраларининг лабораторияларини шиша идишлар ва реактивлар билан таъминлансин (талабнома асосида).

Масъул – Ишлар бошқармаси, бош бухгалтерь

Муддат – Тўрт ой муддатда

5. Физиология ва патофизиология кафедрасининг лабораторияси тўлик шакллантирилсин.

Масъул – Ўқув ва тарбиявий ишлари бўйича проректор, Ишлар бошқармаси,

бош бухгалтерь, халқаро таълим бўлими бошлиғи

Муддат – Тўрт ой муддатда

6. Стоматология мутахассислик фанларида ўтиладиган функционал текширув усуллари учун мосламалар олинсин.

Масъул – Ўқув ва тарбиявий ишлари бўйича проректор,

Ишлар бошқармаси, бош бухгалтерь,

Муддат – Тўрт ой муддатда

Қарор овозга қўйилди ва бир овоздан қабул қилинди.

Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўқув ишлар ва тарбиявий ишлар бўйича проректор А.М.Хайдаров зиммасига юклатилсин.

Институт кенгаш раиси,
профессор



Ж.А.Ризасев